

1917-1924 йилларда Фарғона водийси шаҳарларида миллий театр.

У.У. Мансуров НамДУ ўқитувчиси.

Совет ҳокимияти ўрнатилгач, миллий театр санъати ўзига хос мафкуравий восита сифатида шакллантирилган. Театр санъатидан миллий маданият равнақи ниятида эмас, балки ғоявий мақсадлар йўлида фойдаланилди. Ўша даврда Фарғона водийси шаҳарларида адабиёт, мусиқа ва театр соҳасида юз берган ўзгаришларда Ҳамзанинг ўрни катта бўлган. Ҳамзанинг маориф, адабиёт, мусиқа ва театр соҳасига бағишланган асарлари Фарғона ёшлари, халқ санъатчилари, мусикачилари ва ашулачилари ўртасида кенг тарқалиши натижасида, уларнинг Ҳамзага бўлган муҳаббатлари ортишига сабаб бўлган эди. Шу билан бирга Фарғона ёшлари ўртасида Ҳамзанинг Марғилон шаҳрида 1915 йили ташкил қилган муаллимлар тайёрлаш мактабида ўқиган шогирдлари кўпчиликлари ташкил этган эди. Булар ҳаммаси Ҳамзанинг Фарғона шаҳрида маориф ва театр соҳасидаги ишларини тез ривожланиши учун туртки бўлди. Ҳамзанинг раҳбарлиги ва унинг иштироки билан 1918-1919 йилларда Фарғона вилоятининг бир қатор шаҳарларида маҳаллий театрлар ташкил этилган. Ҳамза 1918 йили Фарғонада биринчи совет театрини тузаётган бир вақтда Қўқон шаҳрига ҳам келиб турарди. 1918 йилнинг ўрталарига келиб Фарғона шаҳрида Ҳамза раҳбарлигида драма театри тўғараги ташкил этилади¹. Ўзбекистон халқ артисти Комил Ёрматов:² «Мен Туркистон фронтида Ҳамзанинг театр труппаси билан ишлаганини кўрганман. Уларнинг афишалари ўқлар тегиб илма-тешик бўлиб кетган, ҳар бир артистнинг шахсий қуроли бор эди. Улар душманни қувиб бориб яна қайтиб келиб спектаклни давом эттирардилар. Улар темир йўл платформасида кўчиб юрардилар, платформа улар учун турар жой ҳам, сахна ҳам ҳисобланарди»- деб ёзган эди. Шу билан бирга маориф идоралари ва ёшлар ташкилотларининг ёрдами билан 1918 йил сентябр ойида ҳаваскор ёшлардан иборат “Қўқон драма труппаси”ни

¹ Культурное Строительство в Туркестанской АССР (Сборник документов). Том 1. –Т.: Узбекистан. 1974. – С. 17.

² Нурмухамедова М. Ўзбекистонда Маданий-маърифий ишлар тарихи. –Т.: Ўқитувчи. 1993. –Б. 11

тузилган. Труппани ташкил қилишда Миршоҳид Мироқилов, Мирҳомид Мироқилов (Миршоҳиднинг акаси), Абдураззоқ Шарипов, Ҳасан Капкаев, Обид Ҳасан, Акрам Муҳамедов, Марям Рузвонova, Мамажон Қориев, Полвон Алиев, Алиқўзи Раҳмонов, Қамчинбек, Холмат Расулов, Бадриддин, Нурмат хожи Қориев, Аъзам Хўжаев, Фотима Капкаева, Тошхўжа Эшонов каби ёшларнинг ўрни ниҳоятда катта бўлган³. Труппа ишлай бошлагач, шаҳар маорифи уни ўз қарамоғига олди ва унинг артистларига маош тўлай бошлаган. Труппа репертуллари асосан Ҳамзанинг асарларидан иборат бўлган. Труппани мустаҳкамлашда 1919 йили Қўқон шаҳрида гастролда бўлган Полторацкий номидаги рус театрини ўрни катта бўлган. 1921 йил Қўқон театри вилоят театрига айлантирилгач, Миршоҳид Мироқилов унинг раҳбари этиб тайинланади. 1922 йили Қўқон шаҳридаги Полторацкий номидаги рус театри ва унинг режисёри Б.Б.Торбиевнинг ёрдами билан Миршоҳид Мироқилов биринчи марта Гоголнинг “Уйланиш” комедиясини сахналаштириб, томашабинларга хавола этади. Бу эса театрнинг ижодий юксалишига ижобий аҳамият касб этган эди. 1922 йили театр Хўжанд ва Конибодом шаҳарларида гастроллар уюштириши оқибатида унинг юксалиши учун яъна бир қадам бўлган. 1925 йилда Самарқанд шаҳрида тузилган Марказий давлат труппаси учун ҳам Қўқон труппаси асосий база вазифасини ўтаган.

Фарғона водийси шаҳарларида бўлгани каби 1918 йил Андижон шаҳрида ҳам бадиий хаваскорлик труппаси ташкил этилган. Бу труппани ташкил этишда Ҳамзанинг ўрни катта бўлган. “Қизил ғунча” деб аталувчи труппа таркиби андижонлик бир қатор санъаткорлар, жумладан, Тўхтасин Жалилов, Абдуваҳоб Азимов, Исҳоқ Қори Каримов, Муҳиддин ҳожи Нажмиддинов, Орифжон Тошматов, Мирзажон Алимов, Тўйчи Аминовлардан иборат бўлган⁴. Орадан бироз ўтгач, Андижон шаҳрининг янги қисмида ҳам Фотиҳ Бойбеков ташаббуси билан ўзбек ва татар ёшлари иштирокида яъна бир тўғарак тузилган. Тўғаракда Комила Бойбекова, Афифа

³ Раҳмонов М. Ҳамза ва ўзбек театри. –Т.: Ўз ССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти. 1959. –Б. 180-181.

⁴ Турсунбоев С. Андижон театри. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1970. –Б. 6.

Шокирова, Абдушукур Завялов, Сайфи Баҳром каби ҳаваскор ёшлар иштирок этишган. Ҳар иккала труппа ҳам концертлар билан кўринсада, спектакллар намоиш эта олмас эдилар. Шу сабабли ижодий ишни йўлга қўйиш учун уларни бирлаштириш талаб этиларди. 1918 йилнинг охирида бу иккала труппа бирлашиб “Бирлашган Андижон труппаси” деб атала бошланган. 1919 йил октябрда “Шарқ кечалари” номли концерт ва спектакллар ташкил этиш учун Андижонга Ҳамза ташриф буюрган. У шаҳарда ҳаваскор артистлар ёрдамида ўзбек театр труппасини ташкил этган. 1919 йил октябр ойидан бошлаб Андижонда Тўхтасин Жалилов, Орифжон Тошматов (Ориф гармонь), Абдуваҳоб Азимов ва бошқалардан иборат труппа тузила бошлайди⁵. “Шарқ кечаси” катта тайёргарлик билан яратилган театрлашган халқ томошаси бўлиб, ўз олдида: эски турмуш иллатларини фотиҳ қилиш, халқни театрга қизиқтириш, ҳаваскорлар фаолиятини кучайтириб юбориш каби вазифаларни қўйган эди. “Шарқ кечаси” ўзининг тарбиявий таъсир кучи билан Андижон театрчилиқ ҳаракатида салмоқли ўрин эгаллаган. Ҳамза “Шарқ кечаси”да қатнашиш учун Андижондаги халқ театри артистларидан ташқари, кўплаб ҳаваскор ёшларни ҳам жалб қилган. Бу ёшлар ичида драматург Комил Яшин ҳам бўлган. Ҳамза Комил Яшинга бир шеър берган ва ўқиб ёдлаб келишни топширган. Ўтказилган кечада Комил Яшин йигит ролини жуда яхши бажарган. Ёш Яшиннинг таланти Ҳамзага жуда маъқул бўлган. Шу пайтдан бошлаб Комил Яшинда театрга бўлган зўр ҳавас туғилади. Бундан ташқари Андижонга Фарғонадан ҳам театр труппалари ташриф буюриб, аҳоли ўртасида “Бой ва хизматчи”, “Фарғона фожеаси” спектакллари намоиш қилишган. Андижон уезд маориф бўлими 1919 йил охирида Андижон ҳаваскорлик труппасини “Ўзбек давлат труппаси”га айлантириш тўғрисида қарор қабул қилади. 1919 йил 14 декабрда Халқ таълими бўлими розилиги билан Андижон шаҳрида ҳаваскорлар труппаси базасида Давлат театри ташкил этилган⁶. Шундай

⁵ Раҳмонов М. Ҳамза ва ўзбек театри. –Т.: Ўз ССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти. 1959. –Б. 184.

⁶ Андижанская правда. 1961. 12 февраля.

килиб, 1919 йил охиридаёқ Андижон маорифи қарамоғида “Умид” номли Андижон ўзбек давлат театри расмий равишда ташкил топган эди⁷.

1920-1921 йилларда Андижон уезд-шаҳар Ижроия қўмитаси ҳамда шаҳар маориф бўлимининг бир қанча йиғилишларида театрнинг ижодий таркибини мустаҳкамлаш ва унга эски шаҳардан ҳам бино ажратиш ҳақида бир қатор чора-тадбирлар қўрилади. Театрни ривожлантириш ва уни кенг томошабинлар оммаси билан яқинлаштириш масаласи ҳатто 1921 йилда бўлиб ўтган Андижон уезд-шаҳар Советининг иккинчи конференциясида ҳам муҳокама қилинган⁸. 1921 йил сентябр ойидан бошлаб шаҳарнинг янги ва эски қисмларида театр бинолари фаолият қўрсата бошлаган. 1921 йилдан бошлаб театр репертуарига озарбайжон тилидан таржима қилинган “Арвоҳлар”, “Ошиқ-Ғариб”, “Машҳадибод”, “Оч ҳарфлар”, “Ялонғоч табиб” каби сатирик асарлар ҳам кирган. 1924 йилдан бошлаб театр труппаси учун эски шаҳардаги карвонсарой биноси берилади. Бу бино артист ва маҳаллий ташкилотларнинг ёрдами билан театр биносига айлантирилган.

1918 йилда Наманган шаҳрида И.Низомбоев ва Ҳ.Йўлдошқориев (Ўғизхон) томонидан ташкил қилинган «Шарқ» театр труппасида инқилобий қўмита илтимосига кўра, Ҳ.Йўлдошқориев «Омонполвон» деб аталган асарни ёзиб сахналаштирди. Омонполвон гуруҳининг суди «Шарқ» клубида ўтказилди ва улар ҳузурида спектакл намоиш этилиб, кейин ҳукм эълон қилинган. Эртасига ҳукм ижро этилди, яъни Омонполвон отиб ташланган⁹.

1919 йилнинг сентябр ойида Фарғона музофоти маориф ишлари нозирини Ҳ.Ҳ.Ниёзий театр тузиш мақсадида Наманганга келиши натижасида шаҳарда «Кўк кўйлак» труппаси ташкил этилади. 1931 йилга келиб, «Кўк кўйлак», «Шарқ» труппалари негизида Наманган театри ташкил топган. Шу йилларда театрга Раззоқ Ҳамроев раҳбарлик қилган. Ўша йили Комил Яшиннинг «Интилиш» ва «Ҳужум» асарлари сахналаштирилди. Наманганда Комил

⁷ Раҳмонов М. Ҳамза ва ўзбек театри. –Т.: Ўз ССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти. 1959. –Б. 185.

⁸ АВДА, Р. 128-фонд, 1-руйхат, 91-иш, 70-варақ.

⁹ Қориев С. Қалдирғоч драматург. Болалар оталар ҳақида //Наманган ҳақиқати.-1991.-7 ноябрь.

Яшиннинг «Арслон» драмаси андижонликлар билан ҳамкорликда сахнага қўйилган¹⁰.

Шундай қилиб, асримизнинг бошларида Фарғона водийси шаҳарларида театрни вужудга келиши ва унинг ривожланиши халқнинг сиёсий фаоллигини ўсиши ва илғор фикрлар билан қуроллантиришда ҳамда ижтимоий-маърифий фикрларни такомиллашувида катта аҳамият касб этди.

**Манзил: Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани. М.Набиев кўча 59-уй.
Телефон: +99897 782 09 84, +99897 745 80 84.**

¹⁰ Жуманазаров О. Умринг уч лаҳзаси //Наманган ҳақиқати.-1991.-6 март.